МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ ЗАЛВОРЛИ БЎЛДИ, ХАЛҚИМИЗ ТОЛЕЪИ МАНГУГА КУЛДИ!

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

27 июль, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 151 (1404)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ*

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 1996 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 июль.

* * *

Олий Мажлис олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
2. Нотариал тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
3. Адвокатура тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
5. Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави лойиҳаси.
6. Хориждан маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
7. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
8. Уруғчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
9. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
10. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам депутатлар муҳокамасига киритилиши мўлжалланмоқда.

# ТАНЛАНГАН ЙЎЛ ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

1996 йилнинг биринчи ярими якунланди. Нималар қилинди-ю, қандай натижаларга эришилди? Навбатдаги вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 июлда бўлиб ўтган мажлисида шу ва бошқа кўплаб саволларга атрофлича жавоб берди

«Ҳаётимизда юксалиш йили» — Вазирлар Маҳкамаси мажлиси тўғрисидаги ҳисобот шундай номланди. Эътироф этиш керакки, бунда ҳеч қандай муболаға йўқ. И. Каримовнинг холис-таҳлилий руҳдаги нутқи жамиятни демократик тарзда янгилаш ва бозор муносабатларини ривожлантириш юзасидан танланган йўлнинг тўғри эканлигини яққол акс эттирди.

Давлат бошлиғи ўтган ярим йиллик натижаларини таҳлил этар экан, бир нечта умумий хулосалар чиқарди. Микроиқтисодиётнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга эришилганлиги бутун иқтисодиётимизнинг ислоҳ қилишнинг энг муҳим натижаси сифатида биринчи ўринга қўйди. Йилнинг биринчи ярмида электр қуввати, транспорт ва коммунал хизмат нарх-навосининг эркин қўйиш юзасидан кўрилган чоралар туфайли инфляциянинг ойлик ўртача даражаси 4 фоиз атрофида бўлди. Бу умум қабул қилинган халқаро андозаларга мос келади.

Иккинчи хулоса шуки, миллий валюта — сўм мустаҳкамланди. Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси, мана тўққиз ойдирки, амалда ўзгармай турибди.

Учинчидан, хусусийлаштириш кўламлари чуқурлашди ва кенгайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида вазифа иложи борича кўпроқ корхонани хусусийлаштиришдан иборат эди. Бу иш савдо ва маиший хизмат соҳаларидан бошланди. Энди эса гап сонда эмас, балки хусусийлаштирилган корхоналарнинг сифат жиҳатидан аҳволи ҳақида бораяпти. Хусусийлаштириш нима берди? Ундан кутилган мақсад рўёбга чиқдими? Бу саволлар биринчи галда хусусийлашган корхоналар раҳбарларини ташвишга солмоғи лозим. Уларнинг турли остоналарга бош қўйиб, қандайдир жамғарма ва молиявий ёрдам сўраб юришларига амалда чек қўйилгани йўқ. Зеро, фикрлаш тарзи ҳаммада ҳам ўзгарган эмас.

Бугунги кунда саноат маҳсулотининг ярмидан кўпи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи нодавлат сектори улушига тўғри келади. Президент бу рақамларни хусусийлаштирилган корхоналар сон жиҳатидан кўпайганини кўрсатиш учун келтиргани йўқ. «Агар дастлабки йилларда асосий эътибор масаланинг миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, бугунги кунда хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий талаб мезони бўлиб қолди», — деди Президент.

Иқтисодиётда юз берган сезиларли структуравий ўзгаришлар белгиланган инвестициявий лойиҳаларнинг натижаси эканлигини Президент тўртинчи банд сифатида келтирди. Гап саноатда юз берган янги сифат ўзгаришлари ҳақида бораяпти. Кўпгина хомашё ресурсларини саноат йўли билан қайта ишлаш ривожланди. Рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш кўпайди.

Ўзбекистоннинг машинасозлик тармоғи учун янгилик бўлган автомобилсозлик жўшқин ривожланиш йўлига ўтди. Яқинда ҳаммамиз «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси тантанали ишга туширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Президент ўз нутқида: «Марказий Осиёдаги биринчи автомобиль заводи бунёд этилиши ва бу улкан корхона бир йилда 200 минг енгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга эканининг ўзи тарихий воқеадир», дея таъкидлади.

Бу заводнинг қурилганлиги унинг учун ишлайдиган кўпгина корхоналарнинг ривожланишига туртки бўлади. Бунинг натижасида эса кўплаб янги иш ўринлари очилади, замонавий технологиялар жорий этилади, заводлар замонавий жаҳон андозаларига мос тушадиган янги сифат даражасига кўтарилади. Шунингдек, бу янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктураларнинг вужудга келиши, янгича фикрлайдиган кишиларни тарбиялаб, камол топтириш дегани ҳамдир.

Бешинчи хулоса шундан иборатки, қисқа давр ичида бозор инфраструктурасининг асоси шаклланди. Банк ва молия тизимлари ислоҳ қилинди. Марказий Осиёда энг йирик биржа маркази ишга туширилди.

Асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришилганлиги, олтинчи хулосада таъкидланганидек, белгиланган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилганлигининг натижаси бўлди. Бу маънода 1996 йил бурилиш йили бўлди. Ялпи ички маҳсулотнинг камайишини биринчи марта тўхтатибгина қолмай, балки унинг 101,4 фоиз ошиши таъминланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 105 фоиз кўпайди.

Ва ниҳоят, ижтимоий соҳада ҳам, аҳоли турмуш даражаси борасида ҳам бурилиш юз берди.

Биз оғир даврни бошдан кечирдик. «Бугун аҳолининг фаровон яшашида салбий таъсир этувчи омиллар йўқ, аксинча, аҳоли турмуш даражасини ўстириш учун тегишли шароит ва ишончли кафолатлар яратувчи барқарорлик омиллари кучга кирмоқда», — дея таъкидлади Ислом Каримов. Аҳоли омонатларининг индексацияси, адресли ижтимоий ҳимоя, ногиронларга, пенсионерларга, кўп болали оилаларга, талабаларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик бунинг исботидир.

Табиийки, Президент ярим йиллик якунига бағишланган нутқида қишлоқ хўжалигидек энг муҳим тармоқни четлаб ўта олмасди. У кўпроқ ғаллачиликка эътиборни қаратди. Бу мантиқан тўғридир. Зеро, Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришиш, яъни яқин келажакда четдан ғалла сотиб олишдан бутунлай воз кечишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борадаги ҳозирги аҳвол қандай? Республикада 1.820 минг тонна дон, шу жумладан, 1.700 минг тонна буғдой тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан тегишинча 100 минг ва 200 минг тонна кўпдир.

Ҳақиқатан ҳам ютуқлар салмоқли, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Буларнинг ҳаммаси республикамизда қарор топган фуқаролар тотувлиги, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ислоҳотларнинг дадил олға босаётганлиги шарофатидир. Айни шу қулай шарт-шароитлар хорижий сармоядорларни тобора кўпроқ ром этмоқда. Ўзбекистон дунё учун очиқ ва дунё унинг билан янада жиддийроқ танишмоқда.

Муҳим сана — Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги тантанали нишонланадиган кунга бир ойдан сал кўпроқ вақт қолди. Ўзбекистон бу байрамга муносиб тайёргарлик билан бормоқда. Тўғри, камчилик ва нуқсонлар, муаммолар ва жиддий тўсиқлар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Бироқ гап уларни санашда эмас, балки ҳамма даражадаги бошқарув, жумладан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи структураларнинг доимий диққат марказида туриши лозим бўлган биринчи даражали вазифаларни аниқ белгилаб олишдадир.

И. Каримовнинг нутқи яна бир бор аниқ-равшан кўрсатдики, Ўзбекистон халқи сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни теран идрок этиб, ўзга мамлакатлар ўнлаб йиллар давомида эришган натижаларни қисқа давр ичида қўлга киритишга қодирдир.

**Л. СПИРИДОНОВ,**
**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари шарҳловчиси.**

**Факт ва шарҳ**

# ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИГА ДАДИЛ КИРИБ БОРАЯПТИ

***Ўзбек дипломатиясининг дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан қалин муносабатлар ўрнатиш борасида эришаётган ютуқлари чет эл оммавий ахборот воситаларининг ҳам эътиборини жалб этмоқда.***

***Яқинда Туркиянинг «ЭКА» — Иқтисодий хабарлар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Америка Қўшма Штатларига сафари тўғрисида «ЭКА Интернешнл» журналининг махсус сонини инглиз тилида чоп этди.***




Агентлик ношири Муҳаррам Ўзгувен афандимиз ўз кириш сўзида туркий дунёнинг гўзал ва ўзига хос мамлакатларидан бири бўлмиш Ўзбекистон кейинги ойларда дипломатия соҳасида икки муҳим ғалабани қўлга киритганини таъкидлайди. Булар — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига сафари ва Президент Билл Клинтон билан учрашуви ҳамда Италиянинг Флоренция шаҳрида Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битимдир. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг АҚШга сафари ниҳоятда самарали бўлгани ҳамда Америка маъмурияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани алоҳида қайд этилади.

Журнал саҳифаларидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг шу йил баҳор ва ёз ойларида Кавказорти мамлакатлари, Руминия ва Францияга, Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга сафарлари тўғрисидаги мақолалар ва рангли фотосуратлар жой олган.

Бундан ташқари, бобокалонимиз Амир Темур таваллуди 660 йиллигининг Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида нишонланиши тарихий аҳамиятга молик воқеа, деб баҳоланади.

«Турклар ва ўзбеклар қондошдирлар» мақоласида Туркия Президенти С. Демирэлнинг Ўзбекистонга сафари чоғида икки мамлакат ўртасида абадий дўстлик тўғрисида имзоланган шартнома ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилажаги қайд этилади.

Бир сўз билан айтганда, журнал дунё ҳамжамиятига ўзини танитаётган ва унинг тузилмаларига дадил кириб бораётган Ўзбекистонга, унинг ташқи сиёсатига юқори баҳо беради, ўз ўқувчиларини республика ҳукуматининг бу борадаги фаолияти билан атрофлича таништиради.

**Анвар ҚЎЗИЕВ.**

UZINFO МАРКАЗИ
ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

## САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ҚАРОРИ

***Бангладешда Президентлик сайлови 1 август куни ўтказилиши белгиланган бўлса-да, аммо марказий сайлов комиссияси 66 ёшли Шаҳобиддин Аҳмадни мамлакатнинг янги Президенти деб расман эълон қилди.***

Мамлакат Олий судининг собиқ раиси ушбу юксак лавозимга ягона номзод бўлганлиги туфайли сайлов комиссияси ана шундай қарорга келди.

## КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМАДИ

***Белградга ташриф буюрган Аюб Ганч бошчилигидаги мусулмон-хорват федерацияси делегацияси музокаралар чоғида кутилган натижаларга эриша олмади.***

Фақат музокаралар ниҳоясида почта ва телефон алоқасини ўрнатиш, Сараево ва Белградда ЮСР ва Федерация савдо палаталарини очишга келишилди. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги шартнома сиёсий ва техник келишмовчиликлар туфайли имзоланмади.

## КУРАШ ҲОЗИРДАНОҚ БОШЛАНДИ

***Бразилия 2004 йилда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларини Рио-де-Жанейрода ўтказиш учун кураш олиб бормоқда.***

Бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун машҳур футбол қироли Пеле ва ФИФА Президенти Жоао Авеланж жалб этилди.

## КОНФЕРЕНЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида «Ислом ва цивилизацияларaро мулоқот истиқболи» шиори остида Ислом дини муаммоларига бағишланган халқаро конференция иш бошлади.***

Саккизинчи маротаба ўтказилаётган бу тадбир 28 июль куни бутун Ислом оламида қутланадиган Мавлуд байрамига — Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг таваллуд кунларига — тўғри келмоқда.

Анжуманда кўплаб мамлакатлардан давлат арбоблари, олимлар, араб давлатларининг вақф ишлари вазирлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқдалар. Конференцияда қатнашаётган Миср вақф ишлари вазири Ҳамдий Закзук: «Биз бу ерга Ислом дини сабр-тоқат ва тинчлик дини эканини, унинг ҳеч қандай тажовузкорлик ва адолатсизликни қабул этмаслигини бутун оламга кўрсатиш учун йиғилдик», деб таъкидлади.

# ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

***Вазирлар Маҳкамасида 26 июль куни Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

Мажлисда мамлакатимиз пойтахти ҳамда жойларда истиқлол байрамига тайёргарликнинг бориши, қутлуғ сана муносабати билан фойдаланишга топшириш мўлжалланган иншоотларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг аҳамиятини вақт ўтган сайин ҳар бир юртдошимиз тобора теран ҳис этмоқда. Айниқса, истиқлолнинг беш йиллиги нишонланаётган йилда унинг самаралари кўзга янада яққолроқ ташланаётир. Шу боис бутун республикамизда бу йил миллий байрамимизни муносиб кутиб олишга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги асосий тантаналари, анъанага кўра, пойтахтимиз бош майдонида ўтказилади. Бугунги кунда Мустақиллик майдонида асосий саҳна қурилиши қизғин давом этмоқда. Майдонни безаш, байрамнинг бадиий қисмини тайёрлаш борасида ҳам талай тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда тўйга тўёна тарзида 1 сентябрь арафасида янгидан-янги байрам иншоотларини ишга тушириш яхши анъанага айланиб қолди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг ўзида ўттиздан зиёд йирик объект қурилиши якунланади. Бир неча бозорлар, маданий-маиший иншоотлар, гузар ва мактаблар шу куни тантанали равишда очилади. Кўчалар, хиёбон ва боғлар ободонлаштирилиб, пойтахтимизга янада чирой бахш этади.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида республика мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ўша вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Ғуломова, К. Раҳимов, С. Саидқосимов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вексель эгаларининг эътиборларига қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки векселларни қайта рўйхатдан ўтказиш муддатини 25 июлдан 1 августгача узайтирилганлигини хабар қилади.

Банк векселларини қайта рўйхатдан ўтказиш эмитент банклар ва унинг вилоят бўлимлари томонидан амалга оширилади.

«Ўзпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмаси векселларини қайта рўйхатдан ўтказиш ихтисослашган акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармалари томонидан амалга оширилади.

«Оролсувқурилиш» иқтисослашган қурилиш бирлашмаси векселли «Пахтабанк»нинг Қорақалпоғистон Республика бошқармаси томонидан қайта рўйхатдан ўтказилади. Шунингдек, қайта рўйхатдан ўтказиш вексель эгаларига хизмат кўрсатувчи банклар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Вексел бланкалари қайта рўйхатдан ўтгандан сўнг яна муомала жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳисоб-китобларда қайта рўйхатга олинмаган векселлар қўлланилиши, улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операцияларнинг амалга оширилиши ман этилади. Мазкур талаб бузилган тақдирда корхоналарнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари шахсан жавобгар бўладилар.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 26 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 37,30 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 38,00 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 27 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 29,93 | 10 Хитой юани | 0,46 | 1 Сингапур доллари | 6,85 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,65 | 1 Кувайт динори | 127,22 | 1000 Туркия лираси | 0,46 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 59,19 | 100 Ливан фунти | 2,43 | 1 Финляндия маркаси | 8,47 |
| 10 Бельгия франки | 12,48 | 1 Малайзия ринггити | 15,26 | 1 Франция франки | 7,59 |
| 1 Голландия гульдени | 2,90 | 1 Германия маркаси | 5,72 | 1 Швеция кронаси | 5,81 |
| 10 Греция драхми | 1,61 | 1 Норвегия кронаси | 5,97 | 1 Швейцария франки | 31,50 |
| 1 Дания кронаси | 6,67 | 1 Польша злотийси | 14,08 | 1 ЭКЮ | 48,36 |
| 1 БАА дирхами | 10,35 | 10 Португалия эскудоси | 2,50 | 10 Жанубий Корея вони | 0,47 |
| 1 АҚШ доллари | 38,00 | | | 10 Япония иенаси | 3,51 |
| 1 Миср фунти | 11,19 | | | 1000 Россия рубли | 7,34 |
| 1 Ирландия фунти | 61,48 | | | 1000 Украина корбованеци | 0,21 |
| 1 Исландия кронаси | 0,57 | | | 1000 Беларусь рубли | 2,84 |
| 10 Испания песети | 3,03 | | | 1 Эстония кронаси | 3,18 |
| 100 Италия лираси | 2,51 | | | 1 Латвия лати | 69,22 |
| 1 Канада доллари | 27,64 | | | 1 Литва лити | 9,50 |
| | | | | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,57 |
| | | | | 1 Қирғизистон соми | 3,09 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

*«Истиқлол йўли — истиқбол йўли» танловига*

# ҚОНУН — ЖАМИЯТ ОЙНАСИ

**ёхуд бозор иқтисодиётига ўтишнинг учинчи — қонун устуворлигини таъминлаш тамойилининг аҳамияти хусусида**

***Инсоният тарихининг қайси даврига назар солманг, қаерда адолат мезонлари бузилган, зўравонлик, инсон ҳуқуқларини камситиш, таҳқирлаш авж олган бўлса, ўша жамият ёхуд мамлакат, албатта, инқирозга юз тутган. Ҳар қандай империя, у қанчалик мустаҳкам қурилган бўлмасин, агар адолат топталган, инсон билан жамият ўртасидаги муносабатлар тор манфаатлар доирасига қурилган бўлса, узоқ ва кўп яшай олмаган. Бунга Рим ҳамда куни кеча сиз билан биз бошимиздан кечирган, унинг қонли панжа ва панжаралари орасида умргузаронлик қилган «СССР» деб аталмиш салтанатни мисол қилиб келтириш мумкин.***

Ватанимиз 130 йилдан зиёд қоронғулик қаърида яшади, шунча муддат фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари топталди, қонунсизлик авж нуқтага етди. Мустамлакачилик сиёсатининг «советча» маданий формаси вужудга келди: фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қоғозда қайд этилардию, амалда унинг тескариси қилинарди. Узоққа бормай, 30-йиллар қатағонини, 50-йилларни, куни-кеча кўз олдимизда рўй берган «пахта иши», «ўзбек иши», деб ном олган қатлиом ва қатағонларни эсга олайлик. Минглаб «айбсиз айбдорлар» қамоқхоналарда умр кечирдилар, тергов жараёнидаги туҳмат, ёлғон кўрсатмаларга дош беролмай ўша жойда жон таслим қилдилар, руҳий касаллик ва яна бошқа хасталикларга дучор бўлдилар.

Мустамлакачилар, энг даҳшатлиси, ўз сиёсатини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар воситасида амалга оширдилар. Натижада одамларда маъмурий органларга нисбатан узоқ муддат салбий тушунча ва муносабат шаклланди. Президентимиз Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида: «Очиқ тан олиш керак, суд органлари ва суднинг ўзи оддий фуқаро кўз ўнгида жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гавдаланади. Эҳтимол бу қўпол туюлиши мумкин, лекин бор гап шу.

Судга бундай муносабат илдизлари тоталитар тузум ўз сиёсатини суд қарорлари орқали юритган, ягона мафкура ҳукмронлигини ўрнатган замонларга бориб тақалади. Булар барчаси одамлар онгига чуқур ўрнашиб қолган», деб бежиз таъкидламаган эди.

Мустамлакачилик даврида аҳвол шу даражага бориб етдики, одамлар НКВД, милиция, суд ёки прокурор сўзини туйқусдан эшитса, ўзини ноҳол сезар, ҳатто оналар болаларини «Ана милиция келаяпти, ҳозир бериб юбораман», деб қўрқитишарди. Бу даврда, айниқса, тергов органларининг шафқатсиз мактаби шаклланди: сохта айб қўйиш ёки ишни юқоридан кўрсатилган «заказ»га кўра тезроқ тугатиш — жиноятчи сифатида жазога маҳкум этиш учун сўз билан ифодалаб бўлмайдиган чораларнинг қўлланиши одат тусига кириб қолганди. Жинояти исботланмай туриб, кишини очиқдан-очиқ жиноятчи, деб аташ оддий ҳол эди. СССР прокуратураси терговчилари Иванов ва Гдляннинг республикамиздаги фаолияти бунинг бир мисолидир. Ҳолбуки, жиноят-процессуал кодексига кўра айбдорни бир ярим йилдан кўп ҳибсда сақлаб туриш мумкин эмас. Масалан, республика ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Қаҳрамонов 3 йилу 9 ой, собиқ республика соғлиқни сақлаш вазири А. Худойберганов 833 кун, Бухорода узоқ вақт масъул лавозимларда ишлаб келган Н. Ҳикматов эса 30 ой қамоқхонада «айбсиз айбдор» сифатида ётганлар. «Ўзбек иши», «пахта иши» туфайли минглаб кишилар тергов органларининг калтаклаши, дўқ-пўписа ва зўравонлиги туфайли қамалди ва тергов қилинди. Маълумотларга қараганда, Гайданов республика прокуратурасида етакчи лавозимни эгаллаб турган уч йил ичида ноҳақ қамалган қарийб 500 киши оқланиб, уларга тўланган товон ўша пайтдаги ҳисоб билан 1 миллион рублдан ошиб кетган. Бу 500 киши учун тўланган товон, холос. Аслида мамлакатимизда 15 мингдан зиёд киши ноҳақ тергов қилинган, қамалган. Улар учун тўланган товон-чи? Бундан ташқари, уларнинг ўзи, оила аъзоларига етказилган маънавий ҳамда руҳий зарарни айтмайсизми? Аммо шунча қилинган қонунбузарликлар учун бирор бир қонун «посбони»нинг бурни қонаган эмас. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Зеро, қонун олдида ҳамма — оддий фуқаро ҳам, маъмурий идора ходими ҳам бирдек масъул ёки жавобгар эмасмиди?

Президентимиз Олий Мажлис тўртинчи сессиясида қилган маърузасида аччиқ бир ҳақиқатни айтган эди: «Сир эмаски, оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқости қилишса мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи жамиятнинг маънавий асосларига путур етади. Бундай вазиятда қонунларни менсимаслик иллати бутун жамиятни заҳарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди».

Ҳуқуқий-демократик, одил фуқаролик жамиятни қуриш, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига катта масъулият юклайди. Тан олиб айтиш керак, бизда бу соҳада ҳали кўп иллатлар мерос бўлиб қолган. Зеро, бу борадаги дастлабки вазифаларимиздан бири — Президентимиз таъкидлаганидек: «Одамларнинг судга муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат. Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган», деб билиши керак. Бу жараён табиийки, осон ва тез кечмайди. Бунинг учун, энг аввало Олий Мажлис тўртинчи сессиясида таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар соҳасидаги ислоҳотларни янада тезлаштиришимиз, «уларнинг сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишларини кучайтиришимиз лозим».

Шу ўринда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида, айни пайтда, ислоҳотлар самарали давом этаётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Масалан, босқинчиликка, мафия, рекэтга барҳам берилди, автомобиль ўғирлаш ҳоллари кескин камайди. Лекин ҳали бу соҳада ечимини кутаётган талай муаммолар бор. Муштарийларимиз Президентимизнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессиясида қилган маърузасини яхши эсласалар керак. Уйида 30 килограммлик наркотик моддани сотиш мақсадида сақлаган урганчлик фуқаро Е. Мадаминовнинг жиноят ишига боғлиқ ҳодисаничи? Урганч шаҳар суди гарчи қонунда наркотик моддаларни сақлаш учун бериладиган жазо муддати 15 йилгача белгиланган бўлса-да, унга атиги 7 йил жазо тайинлаган. Вилоят суди эса уни нимагадир яна беш йилга қисқартирган. Кўриниб турганидек, қонун ҳимоячилари ҳамманинг кўзи ўнгида қонунга хилоф иш тутганлар. Бу бебошлик муносиб жазоланди. Масъул лавозимдаги бир неча киши эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Ушбу жиноий ҳодиса, айни пайтда, республика прокуратураси томонидан чуқур ўрганилмоқда. Бу эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш йўлида қатъият кўрсатилаётганлиги мисолидир.

Яқинда республикамиз Олий Мажлиси Кенгашининг қарорига биноан тузилган «Ўзбекистон Республикасининг янги жиноят кодекси амалга киритилганлиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комиссия»дан нажот истаган Қўқон шаҳар ип-йигирув, пайпоқ-тўқув бирлашмасининг собиқ раҳбари М. Исмоиловга нисбатан 1993 йил 10 октябрда қўзғатилган жиноий иш тафсилоти билан танишишга тўғри келди. Энг аввало, ушбу комиссияни тузишдан кўзланган мақсад-муддао ҳақида тўхталсак.

Маълумки, хўжалик юритишнинг социалистик тизими барбод бўлиб, бозор муносабатлари шаклланиши ҳамда янги жиноят процессуал кодекси амалга киритилиши билан аҳвол мутлақо янгича тус олди. Масалан, совет даврида хўжалик юритишдаги ташаббускорлик, мустақиллик, хусусий тадбиркорликнинг ҳар қандай кўринишлари таъқиб остига олинарди. Эскича режа асосидаги бошқарув йўриқнома ва кўрсатмалар доирасида ишлашни истамаган ҳамда иқтисодиётга тўғаноқ бўлаётган эски иш усулларини ўзича бирон бир тарзда ўзгартиришга уринган талай хўжалик ходимлари жиноий жавобгарликка тортилганди. Мустақилликка эришганимиздан кейин бозор муносабатлари шаклланиши билан бунга ўхшаш жуда кўп ишлар жиноят, деб ҳисобланмайдиган бўлди. Ана шу комиссиянинг саъй-ҳаракати билан ўтган йилнинг 1 октябрига қадар 1959 йил 21 майда қабул қилинган жиноят-процессуал кодексига кўра, 1995 йилнинг 1 апрелигача ҳукм қилинган, лекин содир этган қилмишлари янги кодексга биноан жиноят, деб топилмайдиган 452 нафар шахс жазодан озод этилди, 562 нафар шахсга нисбатан жиноий иш тугатилди, 1695 нафар кишига нисбатан жазо чоралари камайтирилди, 3713 нафар кишига берилган жазо шартли ҳукм қилиш жазосига, 284 нафар шахсга нисбатан қўйилган жазо жазонинг енгилроқ тури билан алмаштирилди. Зеро, бу ҳам мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилаётганимиз, ҳуқуқий демократик, одил фуқаролик жамияти қуриш сари оғишмай одим ташлаётганимизнинг амалий ифодасидир.

Фуқаро М. Исмоиловнинг ушбу комиссиядан нажот исташи табиийки, унга нисбатан қўзғатилган жиноий иш комиссия вазифасига қанчалик дахлдор ёки дахлдор эмаслигини билишдан иборат бўлган. Биз уни оқлаш ёки қоралаш ниятида эмасмиз. Унинг қанчалик гуноҳкор ёки гуноҳсиз эканлиги, унга нисбатан қўзғатилган жиноий иш янги кодексда қандай «баҳо»ланиши суд ҳайъатига ҳавола. Бизни бошқа бир нарса ажаблантиради. Мазкур жиноий иш юзасидан олиб борилаётган тергов уч йилдан буён чўзиб келинаяпти. Бундан ҳам ҳайратланарлиси М. Исмоиловга нисбатан қўзғатилган жиноий иш юзасидан Фарғона вилоят прокуратураси терговчилари 2 йилу 9 ой тергов олиб борганлар-у, лекин бу ҳам камлик қилганидек, Бувайда туман суди мазкур жиноий ишга оид материаллар ҳали етарли бўлмаганлиги, айрим кўрсатма ва айблов хулосалари исботланмаганлиги, жиноий иш терговчилар томонидан чуқур ва ҳар томонлама текширилмаганлиги сабабли қайта тергов учун ажрим чиқарган. Нима бу? Президентимиз Хоразм вилоят кенгаши сессиясида таъкидлаганидек: «...кўнгилчанликми, уқувсизликми ёки инсонпарварлик ниқоби остидаги манфаатпарастликми?»

Яна бир ҳайратланарли томони шундаки, ушбу жиноий ишга алоқадор, деб гумон қилинган фуқаро Ю. Ҳамиджоновни хавфли жиноятчи сифатида ҳамманинг кўзи олдида ишлаб турган жойидан қўлига кишан солиб олиб кетишган. Фуқаро М. Исмоилов ҳамда Ю. Ҳамиджонов гуноҳкор ҳам дейлик, унда терговчилар нега уч йилдан бери уларнинг гуноҳини бўйнига қўйиб беришолмаяпти? Ишни нега бир йил, икки йил эмас, уч йилдан буён чўзиб келишаяпти? Хўш, мазкур жиноий ишга оид тўпланган материаллар судда тўла тасдиқланмаган, исботланмаган экан, у ҳолда Бувайда туман суди «гуноҳкор»ларни нега оқламади? Ҳолбуки, қонунларимизда судга ана шундай ҳуқуқ ва ваколат берилганди-ку?

Денов тумани матлубот уюшмасининг собиқ раҳбари Т. Омонов устидан қўзғатилган жиноий иш хусусида ҳам айнан ана шундай гапларни айтиш мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, олдимизда турган асосий вазифалардан бири фуқароларнинг суд органларига бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат экан, бу, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бевосита ўзларига боғлиқдир. Қонун жамият ойнаси деб беҳуда айтишмайди. Улар қонун, фақат қонунгагина таяниб иш кўрсалар, қонунни шахсий манфаат ва мақсадлардан устун қўя олсалар, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик одил фуқаролик жамияти қуриш жараёни шунчалик тез ва осон кечади.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОМОНАТЧИЛАРГА 22 КУНДА 39 МЛН. 512 МИНГ СЎМ БЕРИЛДИ

***Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманининг 3628-Халқ банки бўлимида бўлган киши бизга йиллар давомида одат тусига кириб қолган узундан-узун навбатда туришлар ва турли хил асаббузарликларни учратмайди.***



Чунки мижозлар учун деярли барча қулайликлар яратилган. Касса олдида оддий ручкадан тортиб, стол-стул, индексацияга оид турли хил маълумотномалар тахт қилиб қўйилган. Индексация қилинган омонатларни олишга келаётган мижозлар эса ҳеч қандай қийинчиликларсиз керакли ҳужжатларни тўлдириб, омонатларини қайтариб олишмоқда.

Биз кассир қизга ниманидир уқтираётган отахоннинг қанча пул олганлиги билан қизиқдик.

— Индексация қилинган омонатимга олти минг сўм олишим керак эди, — дейди Раҳматилла ота Ибодов. — Ҳозирча бу пулга муҳтожлик жойим йўқ. Шунинг учун бу пулларни «Рағбат» омонат турига ўтказсам дегандим. Худо хоҳласа келаси йили неварага тўй қиламан. Шунгача кўпайиб тургани ҳарна-да. Яна қўйган омонатимнинг 80 фоизигача кредит олишим мумкин экан.

Ҳа, бу ерга келаётган мижозларнинг феъл-атвори, табиати бир-бирига тамомила ўхшамаса-да, уларга банк хизмати ходимлари керакли маслаҳатларни аяшмаяпти. Энг муҳими эса шу пайтга қадар мижозлардан бирон марта ҳам шикоят тушганича йўқ.

— Биз бу ишга мамлакатимиз Президентининг индексацияга оид Фармони чиққан куниёқ тайёргарлик ишларини бошлаб юборгандик, — дейди мазкур банк бошқарувчиси Давлатназар Саъдуллаев. — Фармонда индексация счётлари шу йилнинг 1 мартигача якунлансин дейилган бўлса-да, биз бу ишни 15 февралдаёқ тўлиқ якунлаб, қолган ўн беш кун ичида 350 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларнинг уйларида бўлдик, индексация счётларини очдик. 1 июлга қадар эса уларнинг индексация счётлари очилган омонат дафтарларини яна уйларига бориб тарқатиб чиқдик. Умуман, банкимизда 96 минг 326 кишининг омонатлари индексация қилинган бўлса, шу бугунга қадар 22 минг кишига 39 миллион 512 минг сўмлик омонат пулларини тарқатдик. Бу омонатчиларнинг 23 фоизи демакдир.

Мирзо Улуғбек туманининг Халқ банки бўлимида аҳолининг индексация қилинган пул маблағларини қайтариш қизғин олиб борилмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунинг учун керакли барча шароитлар яратилган. Инчунун, шу бугунга қадар туманда 30 га яқин Халқ банки бўлими шохобчалари ташкил этилган. Мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйига қадар эса яна ўнта банк шохобчалари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

***Президентимизнинг АҚШга ташрифидан сўнг Америка билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари иқтисодиётимизнинг ҳамма жабҳаларини кенг қамраб олмоқда. АҚШнинг дунёга машҳур фирма ва компаниялари Ўзбекистон бозорига кириб келаётир. Буни Жиззах вилоятининг чўл зонасида жойлашган туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Американиклар билан алоқа боғлаб, туманда пахта толасини қайта ишлашни йўлга қўйиш юзасидан таклифларимизни айтганимизда, улар туманимизда ишнинг ташкил қилиниши, иқтисодий имкониятларимизни, шарт-шароитларни обдон ўрганишгач, биз билан ҳамкорликда ишлашга розилик билдиришди. Шу асосда йилига уч-тўрт минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ип-калава чиқарувчи қўшма корхона қурилиши бўйича шартнома туздик. «Ўзбекистон Ярн» компанияси деб номланган бу қўшма корхона қурилиб ишга туширилиши учун жами 11 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланади.

Туман агрохизмат бирлашмаси, Ўзбекистон «Озиқ-овқатчи» агрофирмаси ва АҚШнинг жаҳонга машҳур «Американ Бай Сел Л.Л.С» фирмаси қўшма корхона таъсисчилари бўлишди.

Қўшма корхонанинг низомига асосан пахта толасини қайта ишловчи фабрика қуриш, ип-калава, кейинчалик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жунни қайта ишлаш, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби вазифалар унинг фаолияти доирасига киради.

Ҳозир жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида «Американ Бай Сел Л.Л.С.» фирмаси ҳамкорлари фаолият кўрсатишмоқда. Бунга яқинда Америкага қилган сафаримиз мобайнида тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Бошқа компания ва фирмалар каби ҳамкорларимиз фаолиятининг аниқ ва тезкорлиги, барча иш жараёнларининг компьютерлаштирилгани бизда яхши таассурот қолдирди. Хонада ўтириб Америка иқтисодиётининг исталган соҳаси, фирманинг чет мамлакатлардаги тармоқлари ҳақида бир зумда маълумот олиш мумкин.

Сафаримиздан кўзда тутилган мақсадлардан бири ҳам «Американ Бай Сел Л.Л.С.» фирмаси фаолияти билан бевосита танишиш эди. Тўқимачилик комбинатида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил қилинишига, ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, меҳнатга ҳақ тўлаш усуллари, ходимларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши масалаларини чуқур ўргандик. У ерда иш чиқиндисиз технологияга асосланган бўлиб, пахтанинг бир мисқоли ҳам чиқиндига чиқарилмайди, толадан ҳам, улоқдан ҳам маҳсулот ўрнида самарали фойдаланилади. Иш ҳақи меҳнат унумдорлиги ва иш сифатига боғлиқ бўлиб, ходимларнинг малакасига қараб тўланар экан. Бу эса жаҳон бозорига сифатли маҳсулотлар билан кириб боришда муҳим омил бўлади.

Шу ўринда «Американ Бай Сел Л.Л.С.» фирмаси билан ишга туширилажак қўшма корхонамиз фаолияти ҳам ана шу тамойилларга асосланишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирда мазкур қўшма корхона биносини қуриш, уни жиҳозлар билан безаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Умумий сатҳи 10 минг квадрат метр майдонни эгалловчи қўшма корхонага ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни монтаж қилишни америкалик мутахассислар олиб боришади. Қўшма корхона 1997 йилнинг январь ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Кейинчалик ип-калавадан ташқари турли хил кийим-кечаклар, ранг-баранг материаллар тайёрлаб, жаҳон бозорида сотиш режалаштирилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, қўшма корхона ишга тушиши туфайли туманимиз деҳқонларининг режани бажариш ва режадан ташқари тайёрланган пахтаси ҳисобидан ўз тасарруфида қоладиган толалари одатдагидан кўра 29 баробар кўп даромад келтиради. Олинадиган даромад туман иқтисодиётини янада мустаҳкамлаб, инфраструктурани ривожлантиришга сарфланади. Қўшма корхона қуриладиган ҳудудда америкача шарт-шароитларда яшовчи шаҳарча бунёд қилиш ниятимиз бор.

Американиклар билан ҳамкорлигимиз жуда кўп масалалардаги ишларимизнинг осонлашувига олиб келаяпти. Маълумки, тўқимачилик саноатида пахтанинг миқдори эмас толанинг сифати биринчи ўринда туради. Тола қанчалик сифатли бўлса, харидори ҳам шунча кўпаяди. Биз сифатли маҳсулотларимиз билан дунё бозорига чиқишга интилар эканмиз, пахта уруғчилиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак. АҚШда бўлган пайтимизда ҳамкорларимиз воситачилигида мамлакатнинг энг машҳур уруғчилик компаниялари раҳбарлари билан алоқа боғлашга муваффақ бўлдик. Ушбу компанияларнинг пахта етиштириладиган далаларидаги иш жараёнлари билан яқиндан танишдик. Мамлакатта ва дунёдаги пахта етиштириладиган давлатларга серҳосил ҳамда тезпишар, толасининг сифати юқори бўлган пахта уруғларини етказиб берадиган бу компания тавсияларига кўра АҚШда чигит апрель ойида экилиб, 10 сентябргача йиғиштирилиб олинади. Пахта бир йўла очилиб, бир марта машинада терилади. Ғўзага ишлов берадиган техникалар ҳам ғоят серунум — далаларда соатига 40 километр тезликда, бир йўла 12 қатор ғўзага ишлов бераётган тракторлар ишини кузатдик. Далаларда биронта шикастланган ниҳол ёки бегона ўтни кўрмайсиз. Экин майдонларидаги ҳосил йиғиб олингач, ғўзапояси махсус агрегатларда ўриб олиниб, рўзғорбоп буюмлар, бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Мазкур компания мутахассислари тавсиясига кўра тезпишар, бир йўла очиладиган, тола чиқиши 40 фоиздан юқори бўлган 5 хил ғўза навлари уруғидан 10 килограммини олиб келдик. Ушбу чигитларни туманимиздаги 6 та хўжаликнинг турли хил тупроқ шароитли, сув таъминоти ҳар хил бўлган жойларига тажриба тариқасида июнь ойида экдик. «Америкалик» чигит 3 кунда униб чиқди, 7-8 кун деганда чинбарг чиқарди. Айни пайтда ушбу ниҳолларнинг ўсиш жараёни мутахассисларимизнинг алоҳида назоратида бўлиб турибди. Туман шароитига мослашиб, яхши самара берган Америка ғўза навлари танланиб, келгусида катта майдонларга экилишини мақсад қилиб қўйганмиз. Шу йил сентябрь ойида таклифимизга асосан америкалик мутахассисларнинг туманимизга келиб, тажриба тариқасида экилган пахталарнинг ҳолатини ўрганиши кутилмоқда. Тажрибалар муваффақиятли ўтса, келажакда туманда америкаликлар билан ҳамкорликда уруғлик чигит тайёрлайдиган завод ташкил қилиниши ҳам мўлжалланмоқда.

**С. АБДУСАТТОРОВ,**
**Зафаробод тумани ҳокими.**

*Ғалла-96*





***Денов туманидаги Шоймардон Қобилов номли жамоа хўжалиги ғаллакорлари мавжуд 425 гектар ерга ғалла экишган эди. Жамоа аъзолари режадаги 36 центнер ўрнига 40 центнердан ғалла янчиб олишмоқда.***

***СУРАТЛАРДА: ўрим пайти, хўжалик дон ўрим-йиғимига масъул А. Саидов (чапда), комбайнчи А. Бўриев, механик Ш. Ҳасанов.***

***Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ тасвирга олган.***

# ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

***«6-Асака заводи» акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган асосий маҳсулотлар чиқиндисидан ҳам тежамкорлик билан фойдаланмоқда.***

Корхонада чиқиндилардан ошиқ-мошиқ, иситиш қозони, ўт ўчириш челаги, белкурак ва ҳокандоз, темир дарвоза ва панжара каби ўттиз хилга яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона жамоаси ўтган йилги ишлар якунини таҳлил қилар экан, энг асосийси — истеъмолчилар эҳтиёжини ҳисобга олиб ишлаш керак, деган хулосага келди. Корхонада янги — савдо билан шуғулланувчи уста лавозими жорий қилиниб, маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, буюртмалар қабул қилиш ва шартномалар тузиш унинг зиммасига юкланди.

Ишга янгича ёндашув яхши самара бермоқда. Масалан, Фарғона водийсида пахта тозалаш саноатининг барча корхоналари ўт ўчириш ускуналарига муҳтож экани аниқланиб, заводда ўт ўчиргич, челак, белкурак ва илгаклар билан жиҳозланган ёнғиндан муҳофаза қилиш йиғмалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Табиий газ билан юрадиган автомашиналар ҳайдовчиларининг фикрини ўрганиш натижасида завод қошида ишлатилаётган газ баллонларини текшириб туриш учун махсус жой тайёрлаш зарурлиги маълум бўлди. Бу масалада Тошкент ёки республиканинг бошқа шаҳарларига бориб келишга мажбур бўлаётган ҳайдовчилар бундан буён Асаканинг ўзида газ баллонларини вақтида текширувдан ўтказиб туриши мумкин.

*«Халқ сўзи»га мактублар*

# КИМ ТЕЛЕФОНГА ЗОР, КИМ УНДАН БЕЗОР

***Муҳарририятимизга йўлланган хатларни кўздан кечирар эканмиз, уларнинг айримларидаги муаммолар қайсидир мутасаддининг бепарволиги, совуққонлиги боис пайсалга солиб келинаётганига амин бўламиз.***

***Агар фуқаронинг ташвиши тегишли идорада ўз вақтида ҳал этилса, у кўмак сўраб пойтахтга мактуб йўллаб ўтирмас эди. Масалан, биз қуйида эълон қилаётган икки мактубда ҳам худди шундай ҳолни кўриш мумкин.***

## «БУРГА — ТЕЛЕФОН» —ПУЛ СЎРАР

**Тоҳир ҚАЛАНДАРОВ. Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Замахшарий кўчаси, 12-уй.**

— Бизнинг оиламизда бир асаббузар «Бурга — телефон» бор. Бу гапим ажабланарли туюлиши мумкин.. Лекин... қизиқ, кўп одамлар уйига телефон ўтказа олмай қийналиб юришади. Бизлар эса телефондан безор. Воқеа бундай бўлган эди: бир куни телефон қарзларини тўлаш учун АТСга бордим. Менга 1500 сўмлик патта тутқаздилар. Мен уни кўриб ҳушимдан кетаёздим. «Мен ҳеч қаер билан гаплашганим йўқ, менга тушунтириб беринглар» дедим. «Биз билмаймиз, буни сизнинг номерингизга автомат ёзган, тўлайсиз», дейишди АТСдагилар.

Бизнинг телефон рақамимиз 6-28-11. «Ҳа, майли, менга исбот қилиб беринглар, кейин бу пулларни тўлайман», дедим, кўнмадилар.

Ноилож шу идоранинг «ёшулли»сига учрашдим. У менга, «сенга бу пулларни тўлатаман, сени судга бераман», деб, дўқ урди.

Мен бўлсам 1996 йил январь ойидан бери ишламай турган телефон учун, яъни «емаган сомса» учун пул тўлаб ўтирибман.

Ким кимни судга бериши керак, ақлим етмай қолди. Менга бундай телефон керак эмас. Мен пул сўровчи «бурга—телефон»дан қутулолмай овораман...

## ЭРТА КЕЛИНГ, ИНДИН КЕЛИНГ

**Саитбой САЙДУЛЛАЕВ. Тошкент шаҳри, ибн Сино 1-мавзеси. 14-уй, 6-хонадон:**

— Мен 47 АТС томонидан 47-77-71 рақамли телефон ўрнатган эдим. Лекин шу пайтгача ишламаяпти. АТСдагиларга учрашсам бирбирига солишади. Биз январь ойидан то июнь ойигача телефон ҳақини тўлаган бўлсак-да, ҳанузгача мутасаддилар «эрта-индин» деб бизни алдаб келишаяпти...

# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

*Юзма-юз*

**Ўз касбига меҳр қўйиб, уни миридан-сиригача пухта эгаллаган инсон жамиятга, эл-юртга ҳамиша фойда келтиради. Ўзбекистон Ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-тадқиқот институти ортопедия-жарроҳлик бўлими шифокори Миржалол Саидов ҳам ана шундайлар тоифасидан. Юз-кўзидан ғайрат ёғилиб турадиган бу йигитни беморлар беҳад ҳурматлашади. Таърифини орқаворотдан эшитиб юрганлар бирор тасодиф билан шифохонага тушиб қолгудай бўлишса, унинг қўлида даволанишга ҳаракат қилишади. Шифокорнинг яна бир хислати «қўли енгил»лигидир.**

## УЧ ХИСЛАТЛИ ШИФОКОР

**— Одам ёшлигида ўқиган китоблари, томоша қилган кинофильмлари таъсирида бўлса керак, гоҳ шифокор, гоҳ актёр, гоҳ ўқитувчи бўлгиси келади. Сизда ҳам шундай ҳол юз берармиди?**

— Эсимни танибманки, шифокор бўлишга аҳд қилгандим. Сабабини эса билмайман. Ҳозир ҳам изоҳлаб беролмайман. Оиламизда ҳам ҳеч ким шифокор бўлмаган. Ўрта мактабни тугатгач, СамПИ (ҳозирда Тошкент педиатрия институти)нинг жарроҳлик факультетига ҳужжат топширдим. Институтни битириб, иш бошлаб-бошламай ҳарбий хизматга чақирилдим. Сабаби биз ўқиган пайтларда институт эндигина ташкил топган бўлиб, ҳарбий кафедра йўқ эди. Бир ярим йиллик хизматни ҳарбий госпиталда ўтадим. Шу қисқа вақт мобайнида кўп нарса ўргандим. Ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг 17-шифохонада иш бошладим. Кейинчалик 15-шаҳар шифохонасига ўтиб, практология касалликлари бўйича 15 ўринли бўлим очдим ва мазкур бўлимни саккиз йил бошқардим, бош практолог вазифасини адо этдим.

**— Практолог шифокор қандай касалликларни даволайди?**

— Тўғри ва йўғон ичак касалликларини даволаш тиббий тилда практология деб юритилади. Бунга бавосил, ўткир ва сурункали маққад оқмаси, маққад ёриғи, тўғри ичак ўсмаси, тўғри ичак яллиғланиши ва қуймич оқмалари киради. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, тўғри ичак яллиғланишидан бошқа ҳаммаси фақат жарроҳлик йўли билан даволанади.

**— Статистик маълумотларга кўра, тўғри ва йўғон ичак касалликлари аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учраркан. Бунинг сабаби нимада?**

— Биринчидан, эркаклар кўпроқ оғир меҳнат билан банд бўлишади. Иккинчидан эса спиртли ичимликни кўп ичишади. Мана шу икки ҳолат кўп касалликка сабаб бўлади. Бундан ташқари доимий равишда ўтириб меҳнат қилиш ҳам юқоридаги касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга мисол тариқасида ҳайдовчиларни, машинисткаларни кўрсатиш мумкин.

**— Одамнинг саломатлиги ҳамиша ўзига боғлиқми ёки...**

— Касаллик шартли равишда икки хил бўлиши мумкин. Эътиборсизлик ва санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқадиган касаллик биринчи турга мансуб. Киши тозаликка амал қилмаса, юқумли касаллик билан оғриши турган гап. Вақтида тўғри овқатланмаслик эса ошқозон фаолиятининг бузилишига олиб келади. Иккинчи тур касаллик эса одамга, организмга боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. Масалан, турли ўсмалар. Лекин ҳамиша соғлиқни асраб-авайлаб юриш ҳеч кимга ҳеч қачон зиён келтирмайди. Буни унутмаслик керак.

**— Тошкент шаҳрида тўғри ва йўғон ичак касалликлари бўйича бирорта ҳам аёл шифокор йўқ экан...**

— Хотин-қизлар эркакларга қараганда кўнгли бўш, нозиктаъброқ бўлишади. Шунинг учун



улар бу қийин касбни танлашмаган деб ўйлайман.

**— Ширин сўз ҳам даво деган гапни шифокор сифатида қандай талқин этасиз?**

— Беморга энг биринчи даво бу — ширин сўз. Унинг ўрнини беҳисоб дори-дармонлар ҳам босолмаслиги мумкин. Ширин сўз беморнинг кайфиятини кўтаради, соғайишига бўлган ишончини тиклайди. Дейлик, аҳволи унчалик оғир бўлмаган беморга турли ноёб дориларни бериб, ширин сўзимизни дариғ тутайлик. Бемор, аввало, шифокор яхши гап айтмаяпти, демак тузалмас эканман, деган хаёлга боради. Унда руҳий безовталаниш, руҳий емирилиш бошланиб, аҳволи беш баттар ёмонлашади. Ёки аксинча, оғир ётган беморга дори-дармонлар бериш билан бирга, ширин ва мулойим сўзлаб кўнгил кўтарилса, ҳаттоки ҳали тиббиётга маълум бўлмаган ҳимоя нуқталари ишга тушиб, у тузалиб кетиши ҳам мумкин. Бу тиббиётда кўп кузатилган.

**— Одамларга қандай тилаклар билдиришни истардингиз?**

— Аввало, бир-бирларини авайлашсин, қадрлашсин. Ўзларини ўткинчи дунёнинг беш кунлик меҳмони эканликларини унутишмасин. Энг муҳими, сиҳат-саломатликнинг топилмас бойлик эканлигини ёдда тутсинлар.

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**

## МУЗҚАЙМОҚ ТАРИХИ ВА ТАЪРИФИ

**Ёзнинг жарима кунлари кишига ором берадиган, айниқса, ёш болалар учун роҳатижон, шифобахш неъмат — музқаймоқ. Музқаймоқ жуда қадимда, иқлими иссиқ Шарқ мамлакатларида ижод этилган бўлиб, уни Ўрта Осиё халқлари «яхқаймоқ» деб аташган.**

Эрон ва Ҳиндистонни забт қилган Искандар Зулқарнайн аскарлари ушбу мамлакатларнинг аҳолиси иссиқ кунларда аллақандай «яхлатилган сутни» шимиб юрганликларини кўриб ҳайратда қоладилар. Маълум бўлишича, сут ёки қаймоққа асал, тухум, ваниль ва жавҳарилиму қўшиб музлатилар ва махсус кўзаларда сақланар экан. Гоҳо мева шарбатларига тоғлардан олиб келинган тоза қор ва қирилган музни қўшиб ҳам тайёрлаганлар. Араблар шу усулда тайёрланган яхна таомни ал-желати деб атаганлар. Музқаймоқ рецепти ва технологиясини македонияликлар Европага олиб келган бўлсалар ҳам, у кенг эътибор қозонмади. Фақат XIII асрда италиялик сайёҳ Марко Поло Шарқ мамлакатларига қилган саёҳатидан кейингина музқаймоқни ғарбий мамлакатларда тайёрлаш авж олиб кетди. Италиялик шакарпаз Проколио Кольтелли 1630 йилда Парижга келиб ресторанлардан бирида музқаймоқ тайёрлашни жорий қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Шундан қарийб бир ярим аср ўтгач, яъни 1770 йилда яна бир италиялик қандолатчи Нью-Йоркда музқаймоқ тайёрлашни жорий қилган. Орадан 230 йил ўтгач — 1860 йилда бошқа бир италиялик Лондонда музқаймоқхона очган. Россияда музқаймоқ тайёрлаш XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу ерда музқаймоқ тайёрлаш мустақил равишда ижод этилган деган далиллар бор, чунончи россиялик савдогар Иван Излеров 1845 йил музқаймоқнинг янги рецепти ва технологиясини кашф қилганлиги учун патент ва мукофот олганлиги солномаларда қайд қилинган.

Ўзбекистон аҳолиси ҳам музқаймоқ тайёрлашнинг турли хонаки усулларини билган. Таомшуносликдан махсус китоблар ёзилмаганлиги сабабли унинг рецепти ва технологиялари унут бўлиб кетган. Фақат унинг «Роҳатижон» деб аталувчи энг содда хили сақланиб қолган. Унисини ҳам ёлғиз Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларнинг аҳолиси билади, холос.

«Роҳатижон»нинг бизгача етиб келганлигининг иккита сабаби бор, бири — тайёрланиш жараёнининг жуда оддий эканлиги, иккинчиси — шифобахшлигидир.

«Роҳатижон» тайёрлаш учун ейишга яроқли музни қириб қиров ҳолига келтирилади ва юзига узум ёки тут шинниси ёки қиём севалаб берилади. Шифолиги шундаки, ёзда дизентерия, ичбуруғ касалига мубтало бўлган киши бир порция «Роҳатижон» еса, таққа тўхтатади.

Музқаймоқни замонавий озиқ-овқат саноати усулида тайёрлаш жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, унинг дунё бўйича олганда юз хилдан ортиқ навлари бор.

Музқаймоқни гўдаклардан тортиб қарияларгача барча севиб истеъмол этишининг асосий сабаби унинг шифобахшлиги ва тўқ тутарлигидадир. Чунончи, бир кило сутли музқаймоқда — 1370, қаймоқлисида — 1890, пломбирда эса — 2400 катта калория бор. Музқаймоқни оғир операциядан чиққан касалларга, яъни дағал овқат ейиш мумкин бўлмаган беморларга берилади, ошқозонда яраси борлар, сил касалига мубтало бўлганлар, озиб, абгор бўлиб кетганларга ва кам қонли кишиларга ҳам тавсия этилади. Музқаймоқ таркибида 3,5, 15 фоизгача мой, 14 фоиздан 25 фоизгача шакар бўлиб, қолгани оқсилдан иборатдир. Яна бунда А, В, С, Д ва Е витаминлару фосфор билан кальций жавҳарлари ҳам мавжуд.

*Ўзбек тансиқ таомлари*

## ПОМИДОР ДИМЛАМА

**Қизариб пишган помидорларнинг бир хил тухум катталикдагиларини танлаб оласиз, совуқ сувда чайқаб юборгач, бандини кесиб олиб қўясиз. Ёғлироқ гўштни (мол, қўй) бармоқ катталигида қилиб тўғранг, суякларини ҳам майда чопинг.**

Пиёзни ва булғор гармдорисини эса халқа-халқа қилиб тўғрайсиз. Қозонни қуруқ қиздириб, ёғни, устидан тўғралган гўштни солиб, туз ва зира сепасиз. Унинг устидан эса пиёз билан гармдорини соласиз, энг тепасига кесилган томонини пастга қилиб помидорларни териб чиқасиз. Масаллиқ устига лаган ёпиб, оловни пастлатиб 1 соат давомида димлаб пиширасиз. Дастурхонга тортишда лаганга сузиб, юзига қирқилган ошкўк сепасиз.

## ТАНДИР ВАРАҚИ

**Тандир варақи учун оддий хамир тайёрлайсиз, ўраб 10-12 дақиқа тиндириб олгач, ўқлов ёрдамида нафис қилиб ёясиз. Ёйманинг юзига эритилган мол ёғи суркайсиз, у дарҳол тўнғлайди. Ана шундай ёймани рулон қилиб ўрайсиз, ёғ томони ичида қолади.**

Рулондан эни 5 сантиметр келадиган тўгаракчалар кесиб оласиз. Ҳар бир тўгаракчаларни бармоқ билан эзиб жўва ёрдамида юпқа қилиб ёйсангиз қатлама жилд ҳосил бўлади. Жилдлар ўртасида 1 ош қошиғида қийма солиб хоҳ юмалоқ, хоҳ учбурчак, хоҳ тўртбурчак, хоҳ квадрат шаклида бўлган сомсалар тугасиз. Тўгарак ёйма ана шу хил шаклда сомса тугиш учун энг қулай ҳисобланади. Сомсаларнинг қизитилган тандирнинг жағига ёпиб ёки патниси ёғланган духовкага қўйиб пиширасиз. Дастурхонга ликопчаларда тортилади. Ушбу сомсани иссиғида ҳам, совиганда ҳам эмас, илиғида истеъмол этиш лаззатли бўлади.

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

## ХАЛҚ БОР ҲАҚЛИК БОР

***Ота-боболар бу каби кўплаб мақолларида халқнинг, кўпчиликнинг, куч-қудрати бениҳоя буюк, элнинг иши фикру қарори қанчалар тўғри эканлигини кўрсатиб, халқ билан бирга бўлиш, ундан асло ажралмаслик, унинг иродасига қарши юрмаслик, унга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш зарурлигини уқтирганлар, акс ҳолда оқибати ёмон бўлишини таъкидлаганлар: «Халқ иши — ҳақ иш»; «Халқ сўзи — ҳақ сўз»; «Халқ ҳукми — ҳақ ҳукми»; «Халқ пуфласа бўрон бўлар, халқ тепинса зилзила»; «Эл кучи — сел кучи»; «Халқ кучига тўғон йўқ»; «Халққа суянсанг — бўларсан, халқдан чиқсанг — сўларсан»; «Халққа ишонган ҳақлиққа чиқар»; «Халққа нима десанг, шуни эшитасан, халққа нима қилсанг, шуни кўрасан».***



*Мен гулларни севаман...*

Т. ҲАМРОҚУЛ сурат-лавҳаси.

*ИБН СИНО ДЕЙДИКИ...*

## ҚОВОҚ

**Қовоқнинг пиширилгани енгил овқат бўлиб (ичак орқали) тезда ўтиб кетади.**

**Пиширилган қовоқ иссиқ йўтал ва кўкрак оғриқларида фойдалидир.**

Унинг шираси, айниқса қизил гул ёғи билан қўшиб ишлатилганда иссиқ қулоқ оғриғини босади ва мия шишларида, сарамас ва томоқ оғриқларида фойда қилади.

Қовоқнинг қайнатилгани меъдадаги иссиқ чиқиндилар учун фойдали бўлиб, уларни туширади. Тиш оғриғига қарши қовоқдан олинган ширани бурунга тортилади. Хом қовоқ меъда, ҳатто болалар ва ўсмирлар меъдаси учун ҳам зарарлидир.

Халқ табобатчилигида қовоқдан тайёрланган қайнатма кўз оғриганда, қуруқ йўталда тавсия этилади, мевасининг гўштли қисмини сувда пишириб сариқ касалида, буйрак, қовуқ, истисқо касалликларида сийдик ҳайдовчи омил сифатида берилади.

Унинг шарбати териси касалланган кишиларга суртилади. Мевасининг юмшоқ қисмини эзиб, тимиратки устига боғланса, бу касалликка даво бўлади.

Шарқ халқлари табобатчилигида қовоқни кўрга кўмиб пишириб, қўл ва оёқларнинг оғриган жойларига босиш тавсия этилади. Унинг гўштли қисмини куйдириб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб, битмаган яраларга малҳам қилинади. Қовоқ ўз таркибида салмоқли миқдорда пектин моддаларни сақлайди, у эса ўз навбатида организмдан холестериннинг чиқиб кетишига кўмаклашади.

## ТОПИШМОҚ

Бирор шнурнинг шундай бир бўлагини кесиб олиш кераккки, кесиб олинган қисми у шнурнинг қолган бўлагидан 4 марта кичик бўлсин. Ҳосил бўлган бўлаклар шнурнинг қандай бўлагини ташкил қилади?

*Эртага Гулистонда Республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси бошланади*

## СИРДАРЁДА СПОРТ БАЙРАМИ

***Дунё спортсеварлари Атланта Олимпиадаси шукуҳи билан яшаётган айни кунларда юртимиз қишлоқ меҳнаткашлари «Олимпиада йили фақат олимпиячилар учун эмас» шиори остида майдонга чиқишга шайланмоқда. Бугун мамлакатимизнинг барча бурчакларидан қишлоқ меҳнаткашлари спорт делегациялари Гулистон шаҳрига етиб келади. Бу ерда 28—31 июль кунлари соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи ва Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланиб биринчи марта Республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси ўтказилади.***

— Қишлоқда миллий спорт турларини тарғиб этиш ва уни янада оммавийлаштиришга республикамиздаги турли корхона ва хўжалик раҳбарлари катта масъулият билан ёндоша бошлади, — деди спартакиадани ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Собитов, мусобақа олдидан ўтказилган матбуот конференциясида. — Қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасини ўтказишдан кўзланган бош мақсад кўпчилик қисми қишлоқларда яшайдиган республикамиз аҳолисини соғлом турмуш тарзи сари етаклашдир. Бу эзгу ният вилоятларда кенг миқёсда қўллаб-қувватланди ва қишлоқлараро, туманлараро спартакиада мусобақалари ўтказилиб, вилоят қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг саралаганган спорт делегацияларини (жами 400 кишидан ортиқ) республика спартакиадасига йўллашди. Финал босқич мусобақалари учун кетадиган ҳаражатларнинг катта қисмини Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Агросаноат мажмуи ишчилари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ўз зиммасига олган. Қишлоқ меҳнаткашларининг спартакидасини ўтказишга Сирдарёда ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Ўйлаймизки, у қишлоқ меҳнаткашларининг спорт байрамига айланади ва «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга ошириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлади.

**Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.**




***— Хотинимга ҳайронман-да! Пул сўрагани сўраган. Кунига ўн марта сўрашдан ҳам тортинмайди.***

***— Шунча пулни нима қилади?***

***— Ҳеч нарса. Мен унга бир тийин ҳам бермайман.***

* * *

***Музика танқидчиси машҳур машшоқдан интервью оляпти:***

***— Ўн саккиз ёшингизгача сиз фақат скрипка чалгансиз, кейин мутлақо кутилмаганда унинг ўрнига пианино чала бошладингиз. Бунинг боиси нима?***

***— Азизим, — деб жавоб берипти машшоқ, — сиз умрингизда бирон марта скрипканинг устига бир қадаҳ вино қўйишга муваффақ бўлганмисиз?***

* * *

***Харидор сотувчига:***

***— Э, қойилман, ука. Бунақа моҳир сотувчини умримда кўрмаганман.***

***— Қайси ишимга қойилсиз, ўртоқ?***

***— Икки литрлик идишимга уч литр пахта мойини сиғдирдингиз-а!***

* * *

***— Жовонларимиз тўлиб кетган, — деди идора ходими раҳбарига. — Ўн йил нарисидаги қоғозларни йўқотмаса бўлмайди.***

***— Майли, йўқотинг, — депти раҳбар. — Аммо йўқ қилишдан аввал ҳар битта ҳужжатдан нусха кўчириб олинг.***




**Республика об-ҳавони кузатиш маркази хабар қилади:**

## ЖАЗИРАМА ИССИҚ БЎЛАДИ

***27—31 июль.*** *Ушбу муддатда республикамиз ҳудудида ҳаво кам булутли бўлади, иссиқ ҳаво ҳукм суради. Марказий ва шарқий вилоятларда ҳарорат кечалари 20-25, кундуз кунлари 36-41 даражагача кўтарилади. Шимолий ва жанубий вилоятлар ҳудудида ҳамда республикамизнинг чўл зоналарида кечалари 23-28, кундуз кунлари 38-43 даража иссиқ, жазирама бўлади. Сўнгги кунлари ҳароратнинг бироз пасайиши кутилади.*

## ОЛИМПИАДАГА ОИД БОШҚОТИРМА



БЎЙИГА: 1. XXII Олимпиада ўйинларида «олтин» ва «кумуш» медалга сазовор бўлган ҳамюртимиз. 2. 1908 йилдан бошлаб олимпия спорт тури сифатида эътироф этилган, кейинчалик уни Олимпиада дастуридан чиқариб ташлаш кераклиги ҳақида баҳс-мунозараларга сабаб бўлган спорт тури. 3. Мельбрун Олимпиадасида чемпион бўлган футбол терма жамоаси аъзоси. 4. Москва Олимпиадасида чемпион бўлган юртдошимиз. 5. Сувга сакраш бўйича жаҳон чемпиони, XXI Олимпиаданинг «бронза» медали соҳиби бўлган швед спортчиси. 6. Штанга кўтариш бўйича жаҳон рекордини ўрнатиб, XVII Олимпиада чемпиони бўлган спортчи. 10. Камондан отиш бўйича 6 марта Олимпиада чемпиони, уч марта «кумуш» медаль соҳиби бўлган бельгиялик спортчи. 11. Чим хоккей бўйича Москва Олимпиадасида «бронза» медаль соҳиби бўлган «Андижанка» жамоаси ўйинчиси, исми. 14. Санкт-Петербург велопойгачиси, XXVI Олимпиада қатнашчиси. 15. Спорт гимнастикаси бўйича Москва Олимпиадаси чемпиони. 16. Россиялик сузувчи, XXVI Олимпиада қатнашчиси. 17. XII Осиё ўйинлари совриндори, Атланта спорт делегациямиз аъзоси. 18. Сеул Олимпиадасида бир йўла 6 та «олтин» медални қўлга киритган германиялик спортчи. 20. Олижаноблиги учун XXIV Олимпиаданинг махсус мукофоти — энг катта медалга сазовор бўлган канадалик спортчи.

ЭНИГА: 1. Рим Олимпиадасида «бронза» медалга сазовор бўлган италиялик енгил атлетикачи. 4. Атлантада 9-ўринни эгаллаган дзюдочимиз. 7. Олимпиада талисмани, бўрича. 8. Сеул Олимпиадасида Африка қитъаси футбол шарафини ҳимоя қилган терма жамоа. 9. Югуриш бўйича Ўзбекистон ва Осиё рекордчиси, XXVI Олимпиада қатнашчиси (исми). 12. Найза улоқтириш бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон рекордчиси, Атланта спорт делегациямиз аъзоси. 13. Спорт гимнастикаси бўйича Олимпия жамоамиз аъзоси. 14. Шпага бўйича Атланта Олимпиадасида қатнашган россиялик қиличбоз аёл. 16. Олимпиада ўйинларини икки марта қабул қилган шаҳар. 19. Америкалик теннисчи, Олимпиада қатнашчиси. 21. 1968-1976 йилларда Олимпиаданинг 8 та «олтин», 3 та «кумуш», 1 та «бронза» медалини қўлга киритган япониялик гимнастикачи. 22. 1956 йили Олимпиада чемпионлигини қўлга киритган собиқ Иттифоқ футбол жамоаси аъзоси. 23. Атлантадаги Россия делегацияси аъзоси, енгил атлетикачи. 24. Олимпиадада иккинчи марта қатнашаётган спортчимиз.

**Тузувчи Расул ЖУМАЕВ.**

## Газетанинг 20 июль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари

**ЭНИГА:** 1. Дилором. 3. Лаврин. 5. Тейлор. 7. «Бобурнома». 9. Бензин. 10. Италия. 12. Ношир. 14. Анилин. 15. Секанс, 16. Эломон. 18. Бултур. 20. Немис. 21. Глицин. 23. Акушер. 24. Момасирка. 25. Нафақа. 26. Табиат. 27. «Тановар».

**БЎЙИГА:** 1. Дарбон. 2. Майями. 3. Луанда. 4. Плутон. 5. Теннис. 6. Раклис. 7. Бибихоним. 8. Атлантика. 9. Бандунг. 11. Яловдор. 12. Ниҳон. 13. Ребус. 16. Этилин. 17. Невара. 18. Биҳишт. 19. Ришват. 22. Нокаут. 23. Акобир.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ш. Каримов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0379 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.** **Босишга топширилди — 20.45** 1 2 3 4 5 6